

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 175 (9.978)

2003 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

Қисқаларда

● **ИСТИҚЛОЛНИНГ** 12 йиллигига тўхфа сифатида Шайхонтохур туманидаги «Лабзак» маҳалласи худудида жойлашган «Сирли Масжид» деб номланган тарихий обида қайта таъмирланганди. Кўни кеча мазкур маҳаллада матрифат хонаси ташкил этилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ташаббуси билан 25-маҳсуз меҳнат таълими мактабида хайрия тадбири ўтказилди. Унда университет томонидан мазкур мактабга замонавий компьютер, телевизор ҳамда ўқув дарсликлари тўхфа этилди.

● **КОРИ** Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошида аспирантура ва докторантура ташкил этилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 506-болалар боғчасида ўтказилган тумандаги мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларини мактабга тайёрлаш жараёнига бағишланган тадбирда тарбиячилар, педагоглар иштирок эттишти.

● **ЮНУСОБОД** туманида маҳаллалар фаоллари иштирокида кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳамда ногиронлар учун хайрия тадбири Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди. Унда меҳрга ташна болаларга совғалар тўхфа этилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Шодлик» Бахт уйи томонидан «Еш оила мактаби» деб номланган республика семинари ташкиллаштирилди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театри янги мавсумини «Сохибқирон» спектаклини намойиш этиши билан бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида «159-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 9-қурилиш бошқармаси қурувчилари фаоллик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: бошқарма илгорлари бригадир Шариф Эшонкулов ва дурдгор Эркин Иброҳимов.



Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишига доир.

2001 йилнинг 15 июни кўни Шанхайда олти давлат — Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг саммитида ШХТнинг ташкил этилиши ХХI аср бошидаги энг эътиборли воқеалардан бўлиб, томонларнинг биргаликда ҳавфсизлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорлик масалаларини биргаликда ҳал этишга интилишларини ифодалади.

Тарихга минтақавий интеграциялашув жараёнининг энг босқичи сифатида кирган ушбу кунда юқорида қайд этилган давлатлар етакчилари қатор муҳим ҳужжатларни, хусусан, ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация ва терроризм, сепаратизм ҳамда экстремизмга қарши кураш буйича Шанхай Конвенциясини имзолادилар.

Ўтган давр мобайнида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг икки саммити ва бир қанча идораларро эксперт гуруҳларининг учрашувлари ўтказилиб, уларида ташкилот ичида ўзаро муносабат, ўзаро англашинув, ўзаро ҳурмат юксак поғонага кўтарилди. Таркиб тоғлан ишонч руҳи барча томонлар манфаатларига жавоб берувчи бир қанча муҳим ўзаро мақбул битимларга эришиш имконини берди. Улар орасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартисини, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисидаги ва ШХТ бюджетини ташкилантириш ҳамда бажариш тартиби тўғрисидаги битимлар мавжуд. Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, вазирлик ёки идоралар раҳбарлари мажлиси, Миллий мувофиқлаштириш кенгаши, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма каби идораларнинг ташкил этилиши эса ШХТнинг яшовчанлигини яққол тасдиқлади.

Шу муносабат билан ШХТнинг 2003 йил май ойи охирида бўлиб ўтган Москва саммити бу ташкилот тарихида муҳим воқеа эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, ушбу саммит давомида ташкилотнинг институционал негизини яратиш, ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. Ташкилот ШХТ асосига киритилган ўзга ма-

лакатларга қарши қаратилмаганлигини англатувчи тамойиллар ва мажбуриятларга риоя қилишни тасдиқлаган бошқа давлатларни ҳам қўшиб олишни истисно қилмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ташкилотнинг очиклиги ва ҳам минтақавий, ҳам халқаро ҳамкорлики мустаҳкамлаш мақсадида кўп томонлама мулоқотлар олиб боришга тайёрлигини тасдиқлайди, булар давлатимиз манфаатларига ҳам шак-шубҳасиз мос келади.

Ўзбекистон Республикасини, ташкилот иштирокчиларидан бири сифатида, уларнинг аъзолари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Бирок ШХТ доирасида қабул қилинган сиёсий, иқтисодий, маданий, инсонпарварлик соҳаларига тааллуқли барча қарорларнинг муваффақиятли

ижроси, энг аввало, минтақадда барқарор вазият таъминланишига боғлиқ бўлади: Ўзбекистон Республикасини Президенти

И.А.Каримов ташкилотнинг Москва саммитида айнан масаланинг шу ҳақиқата эътиборни қаратиб, ШХТ фаолиятининг устувор йўналишлари халқаро терроризмга, радикал, агрессив экстремизмга ва сепаратизмга, наркотрафик ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашдан иборат бўлмоғи кераклигини таъкидлади.

Ташкилот фаолиятини йўлга қўювчи бошқа ҳужжатларни имзолаш билан бирга юксак даражадаги навбатдаги учрашувини Тошкентда ўтказиш ва ШХТ раислигини Ўзбекистонга бериш, шунингдек, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасини мамлакатимиз пойтахтига қўчириш тўғрисидаги баёнот Москва саммитининг муҳим қарори бўлди. Бу давлатимиз ташқи сиёсат борасидаги одимларнинг самарали ва таъсирчан бўлаётганлигининг мантиқий ифодаси эканлиги шубҳасиздир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси Тошкентда ўтказилиши халқаро майдонда тобора катта нуфузга эришайтган ШХТга аъзо давлатлар геосиёсий маконда ҳавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашда муҳим омил касб этаётган мазкур ташкилотнинг барқарорлашишида тарихий босқич бўлади.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон» Аxbорот агентлигининг сиёсий шарҳловчиси.

ШХТ: УЧРАШУВ ЖОЙИ — ТОШКЕНТ

ЛОНДОН СИТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Юртимизга ташриф буюрган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикасини ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев билан учрашди.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар, юртимизда

амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши, шунингдек, Ўзбекистондаги молия-банк муассасалари билан Лондон Ситининг айни турдаги институтлари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Буюк Британия Ўзбекистон-

нинг Европадаги энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади. 2002 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 302,1 миллион АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 180,6 миллионга тенглашди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда Буюк Бри-

тания сармоядорлари иштирокида 161 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасини Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов билан ҳам учрашиб, икки мамлакат банк ва молия муассасалари ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА)

XXI аср
Барча маъбаладаки
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикасини Президенти Ислам Каримов номига юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлардан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикасини Президенти Ислам Каримов кеча Оксаройда Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артурни қабул қилди. Учрашувада Ўзбекистон билан Буюк Британия, хусусан, Лондон Сити ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● Орол бўйида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Европа Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси амалга оширила бошланди.

● Наманган шаҳридаги умумтаълим мактабларига Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонасини томонидан 260 миң АҚШ доллари миқдоридаги грантлар топширилди.

● Урта Чирчиқ тумани, Навоий ширкат ҳўжалигининг Чангтепа қишлоғида 320 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди.

● Гулистонда «Lola-Model JV» Ўзбекистон-АҚШ-Туркия қўшма корхонаси таъсис этилди.

● Жалолқудуқ туманидаги «Болгария» ширкат ҳўжалигида янги гузар қад ростлади. Ҳўжалик бошқаруви ташаббуси билан бунёд этилган гузарда охиона, нововойхона ва чойхона мавжуд. Қишлоқ аҳолиси, шунингдек, узок-қиндан келган меҳмонларга савдо, маданий ва маиший хизмат шохобчлари ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Жаҳонда

● АҚШ Президенти девони Ок уй бўйлаб экскурсия дастурини бир мунча кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳозирча Ок уйни фақат харбийлар, фахрийлар ва мактаб ўқувчиларидан иборат сайёҳлик гуруҳлари зиёрат қилишмоқда.

● КХДР давлат раҳбари Ким Ир Чен кеча Шимоллий Корея Олий халқ ассамблеясининг навбатдаги сессиясида Миллий мудофаа комиссиясини раислиги лавозимига қайтадан сайланди.

● Северморск портидан Полярний портига йўл олган Россиянинг К-159 сув ости кемаси Бахрис денгизида ҳалокатга учради. Ҳозир ҳалокат жойида қидирув ишлари олиб боришмоқда.

● Грузин Миллий ҳавфсизлик хизмати Шамиль Басаевни халқаро террорчилар рўйхатида киритди.

● Хитойнинг Жанубий худудларида қучли тўфон юз берди. Катта вайронгарчиликларга сабаб бўлган ушбу тўфон натижасида дастлабки маълумотларга кўра 22 киши ҳаётдан кўз юмган. Тўфон Вьетнам томонига қараб ҳаракатланмоқда.

● Япониянинг «Тойота» канцерни ҳайдовчи ёрдамсиз тўхтаётган «Toyota Pruis» деб номланган электрон бошқарув тизими эга янги автомобиль маркасини тақдим этди.

Иқтисодий

ҲАҚИҚИЙ ЧОЙ
ЛАЗЗАТИ

Ўзбекистон бозорига яқиндаги янги кириб келган «Reyan Tea LTD» корхонасининг хушбўй, сифатли қора ва кўк чойларини ҳамюртларимиз севиб истеъмол қилмоқдалар.

Мазкур корхона ўз соҳасидаги энг етакчи компанияларнинг аънаналарини давом эттирган ҳолда бизнинг ички бозорга қарай ҳақдоқланган 50 га яқин турдаги энг сарҳил қўнвларини тақдим этди. Тажрибали мутахассисларнинг маркетинг тадқиқотлари бутун республика бўйлаб олиб борилмоқда. Қуни кеча улар Фарғона, Андижон ҳамда Самарқанд вилоятларида ҳам шундай изланишлар ўтказиб қайтидилар.

Жумладан, корхона тадбиркорлари 2 ой аввал ютқли чойларни савдога чиқара бошлади. Мазкур чой қутиларининг барчаси ютқли бўлиб, катта ютқулар эгаларига тантанали топширилиши кўзда тутилган.

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН

Юртимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар иқтисодий ёғини алоҳида ўрин тутди. Чунки улар чет эл капиталини жалб қилишнинг энг самарали шаклларида биридик.

«MEDIZ» Ўзбекистон-Британия-Россия-Германия қўшма корхонаси Европа технологияси асосида Испания фирмаси томонидан жиҳозланган дастлаб бу ерда «10 миль» конули бирикмили, 1, 2, 5, 10 литрли ҳажмдаги бир марта фойдаланувчи инъекцион доринналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бир йилда ишлаб чиқариш қуввати 100 миллион донага етказилди.

Корхона тадбиркорлари изланишлар йўлидан бориб 2000 йилда маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида суюқ дорилар ва қон қуиш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича Германияда тайёрланган янги технологик линияни келтириб ўрнатиди. Ушбу маҳсулотдан жамоа аҳли йилга 10 миллион дона тайёрламоқда.

Қўшма корхона жорий йилда тиббиёт воситаларини 78,8 минг АҚШ доллари ҳажмида Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилди. Бундан ташқари жамоадаги 300 нафар ишчи-хизматчилар доринналар ишлаб чиқариши 100 миллиондан 250 миллион донага етказиши режалаштирмоқда.

ҚУРИЛИШДА
ҚЎЛЛанаДИ

Шаҳримизда ўзимизнинг хом ашёдан сифатли, кўркам ҳамда чидамли, асосийси нисбатан арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган корхоналар таллайгина.

Хусусан «SV CO LD» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам қурилишлар учун черепицалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар тайёрлашга ихтисослашган. Корхона аҳли саъй-ҳаракати билан қурилиш жиҳози қурувчилар, томларни таъмирловчилар, хонадон эгалари, қурилиш материаллари дўкони сотувчиларига жуда маъқул бўлмоқда. Чунки, «OFV-1» моделидаги ускуналар ишлатишда қулай ва оддий, жойни ҳам кам эгаллайди, уни «DAMAS» микроавтомобил бемалол жойлаштириш мумкин.

Мазкур дастгоҳнинг бир кунлик ишлаб чиқариш қуввати 200 дона, 1 йилда эса — 60.000 дона. Шу билан бирга, у энергияни жуда кам сарфлайди. Жумладан, RF-M, SV-C моделлари ҳам буюртмачилар эътиборида. Корхонанинг республикамизнинг 6 та шаҳарларида филиаллари ҳам муваффақиятли ишлаб турибди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган оламшумул муаммолардан бири - сайёрамизда ўнлаб миллион тоннага етган турли чиқиндиларни қайта ишлашнинг юқори самарали услубларини излаш ва ўзлаштириш билан боғлиқдир. Тошкентда бошланган «Иккиламчи ресурсларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари ва улар асосида янги композиция материалларини яратиш» мавзусидаги халқаро илмий семинарнинг долзарблиги ҳам шу билан изоҳланади. У НАТОнинг Илмий кўмитаси ҳамда Фан ва технологиялар маркази томонидан Италиянинг «Рома Ричерке» консорциуми билан биргаликда ташкил этилди. Семинарда Австрия, Жапон, Буюк Британия, Исроил, Италия, Португалия, Россия, АҚШ, Украина, Марказий Осиё мамлакатлари олим ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда жамият учун ўта муҳим бу соҳанинг имкониятларидан имкон қадар фойдаланишга қаратилган янги давлат илмий-техника сиёсати амалга оширилмоқда, деб таъкидлади семинарни очар экан Фан ва технологиялар маркази директори, академик П.Ҳабибуллаев. Илмий-техника фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича Президентнинг қатор фармонлари ва

гик зарар келтиради. Бундай зарарни атмосфера, ер ости ва усти сувлари, тупроқнинг зарарли моддалар билан ифлослантирилишида кўриш мумкин ва бу одамлар саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг аҳволига таъсир кўрсатади. Аини пайтда чиқиндилар - саноатнинг кўпгина тармоқлари эҳтиёж сезаётган турли маҳсулотлар ва композиция материаллари ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашёдир.

ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАР ВА
ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди. Мамлакат иқтисодийини ривожлантиришга хизмат қиладиган тенг ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлики кенгайтириш устуворликлар биридир. Етакчи мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва фондлар билан 60 дан ортқ мақсадли битимлар имзоланди.

Республикамиз олимлари турли халқаро дастурлар ва илмий лойиҳалар танловларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Бу эса нафақат мамлакатимиз илм-фанга инвестицияларни жалб этиш, балки унинг жаҳон интеллектуал маҳсулот бозоридидаги ўрни мустаҳкамлаш имконини бермоқда. 2003 йилда ўзбекистонлик олимлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳаларга ажратилган грантларнинг умумий ҳажми 7 миллион АҚШ долларида ошади.

1995 йилдан буюн НАТОнинг Илмий кўмитаси билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам хорижий ҳамкасблар билан ўзаро фойдали алоқаларни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда шериклик муносабатларини ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ёш олимларнинг йирик хорижий илмий марказларда малака оширишини ташкил этишга 70 та грант олинди. Илмий кўмита шафелигида Ўзбекистонда ҳар йили фундаментад ва амалий фаннинг энг долзарб йўналишлари бўйича семинарлар ўтказилади. Бу галги семинарнинг вазифаси - инновация технологиялари асосида иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш соҳасида умумий стратегияни белгилаш.

Бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам катта ҳажмда саноат чиқиндилари тўпланиб қолган. Бу борада кончили ва қайта ишлаш саноати корхоналари «пешқадамлик» қилмоқда. Маиший чиқиндилар ҳам катта муаммо. Буларнинг ҳаммаси атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади ва экологик зарар келтиради.

«Фан орқали хавфсизлик» — НАТО Илмий кўмитасининг ушбу соҳани ўз ичига олган янги дастури шундай деб аталади. Дастур раҳбари Алан Жубье семинар қатнашчиларини унинг асосий йўналишлари билан таништирди. У сайёрамизда хавфсизлик ва барқарор ривожланишга хавфлар кучайиб бораётган шароитда халқаро бирдамлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга бағишланган. Экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий-техник тадқиқотларни амалга ошириш дастур доирасидаги муҳим қадам бўлади.

Келгуси авлодлар фаровонлигига тўпланиб қолган ва мунтазам ортиб бораётган чиқиндилар ҳақиқий хавф солмоқда, деди ўз маърузасида «Рома Ричерке» консорциуми бош директори Карло Корси. Бу муаммони ҳал қилиш долзарблиги БМТ томонидан тасдиқланган «XXI асрнинг бутунжаҳон кун тартиби»да қайд этилган. Иқтисодий ўсиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва чиқиндилар чиқариш ўртасидаги нисбатни ўзгартиришга саъй-ҳаракатларни йўналтириш лозим. Экологик хавфсиз технологиялар яратиш, уларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш жараёни бошланди, аммо унинг суръатлари дарв талабларига жавоб бермайди.

Шу билан бирга, кўпгина мамлакатлар олимлари бу борада катта салоҳиятга эга ва уни қўллаб-қувватлаш керак. Жумладан, Ўзбекистон олимларининг фавқулодда шароитларда фойдаланиш мумкин бўлган янги композиция материалларини яратиш борасидаги ютуқлари бутун жаҳонга танилди.

Семинарда бундай фаолиятни кенгайтириш имкониятлари муҳокама этилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ХАРТ ТУ ХАРТ ИНТЕРНЕТШНЛ
ЎЗБЕКИСТОНДА

Харт ту харт Интернетшнл халқаро ташкилотининг 6,7 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат инсонпарварлик ёрдами ортилган самолёт Ўзбекистонга етиб келди. Мурувват юкларини келтиришга АҚШ давлат департаменти кўмаклашди. Инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматининг бошқа вакиллари кутиб олдилар.

Харт ту харт Интернетшнл — тиббий инсонпарварлик ёрдами халқаро ташкилоти 1992 йилдан буюн дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги кўмакка муҳтож аҳоли қатламларига 300 миллион АҚШ доллари миқдоридида, жумладан Ўзбекистонга 50 миллион АҚШ долларида зиёд инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, 2002 йилнинг октябр ойида мазкур ташкилот шифокорлари ва Оилавий шифокорлар Америка академияси-

нинг ҳамкорлари томонидан мамлакатимизда ўқув машғулотлари олиб борилди. Кўнгилли шифокорлар ва тиббий ҳамширалар маҳаллий тиббий ходимларга оилавий тиббий амалиёт борасида ўз билим ва малакаларини ўргатди. Мазкур ташкилот мутахассислари ўзбекистонлик шифокорлар учун ақшерлик соҳасида тез ёрдан кўрсатишнинг замонавий курси бўйича ўқув машғулотлари ўтказдилар.

Харт ту харт Интернетшнл

томонидан юборилган дори-дармонларни тақсимлаш учун аҳвол изчил ўрганилиб, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри аҳолисига тарқатишга қарор қилинди. Харт ту харт Интернетшнл президенти доктор Герри Морш иштирокидаги ташкилот ходимларидан иборат гуруҳ дори-дармонларни кўзланган манзилга етказиб бериш ва тиббий муассасалар хизматчиларини улардан

Қурилиш

Уй тўйлари
бошланади

Инсон кўли гул, деган ибора бежизга айтилмаган. Буни аини пайтда иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, киши кўзини қувонтирувчи бинолар барпо этаётган қурувчиларимизнинг меҳнатларидан ҳам билсак бўлади.

Ҳамза туманидаги Фарғона йўли кўчасидаги 9 қаватли аҳоли турар жой биноси аини дамда кўли гул бунёдкорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан қуриб битказилди.

90 хонадонга мўлжалланган турар жой биносига «Ҳажмли блокли уй-жой қуриш тажриба комбинати» ҳиссадорлик жамияти бош пудратчи ҳисобланади.

Ўзига хос лойиҳа асосида бунёд этилаётган ушбу бинода аини пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли яшаши учун зарур қулайликларни қўлаб, хонадон дераза ва эшикларни ўзига хос қилиб ишланган. Ҳар бир хона, меҳмонхона, ётоқхона, ошхона, ювиниш хонаси, айвонлар кенг ва шинам.

— Ушбу уйда ўтган йили қурилиш-тиклаш ишлари бошлаб юборилган эди. Мана қуриб турганингиздек, қад ростлаган турар жой биноси аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда қад ростлади. Барча шароитлар яратилган ушбу бино атрофида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди қурилиш бош пудратчиси «Ҳажмли блокли уй-жой қуриш тажриба комбинати» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Қурбон Миралиев. — Уй атрофида бунёд этилаётган болалар майдончаси, асфальт йўлакчалар, дам олиш ўриндилари яшовчиларга янада қулайлик яратади.

Яқин кунларда янги бинога кўчиб ўтувчи юртдошларимизга байрам совғаси бўлган ушбу турар жойда уй тўйлари бошланиб кетади.

Орзуғул РУСТАМОВА

фойдаланиш юзасидан замонавий йўриқномалар билан таништириш мақсадида бир қанча шаҳарлардаги шифокорлар ва клиникаларда бўладилар.

Доктор Герри Моршнинг таъкидлашича, 11 сентябрь воқеалари АҚШ Давлат департаментига Марказий Осиё, хусусан Афғонистон шимолида жойлашган Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга янгича назар билан қараш учун бир туртки бўлди. — Бу минтақада АҚШ Давлат департаменти билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз — Марказий Осиёда соғлиқни сақлаш ва барқарорлиқни ривожлантиришни рағбатлантириш учун АҚШ томонидан кўрсатилаётган эзгу ният ва кўмак, ягона мақсад йўлидаги муваффақият қозонишимизнинг асосий калитидир, — деди у.

«Туркистон-пресс»

Санъат

Ҳамкорлик лойиҳаси

Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлик бюроси Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда йирик маданий тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу ҳамкорлик натижасида қатор бадий кўргазмалар ташкил этилди.

Диёримизда фаолият кўрсатиб келаётган санъат усталарининг кекса авлоди ижод намуналари тўплами алоҳида бадий коллекция сифатида ҳам тузилди. Ушбу коллекцияда турли йилларда яратилган графика, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат асарларининг энг яхшилари жамланди.

Ана шу тўплам асосида кўчма кўргазмалар ҳам ташкил этилади. Улар мамлакатимизда, ҳатто хорижда ҳам намоиш қилинади.

Бадий галерея очилади

Ўзбекистон Миллий банкида тасвирий санъатни жон-дилидан севадиган ходимлар кўп. Улар таклифи билан банк хузурида бадий галереяни очиш таралдуи кўрилмақда.

Пойтахтимизнинг марказида бунёд этилаётган кўркам бинода ана шу кўргазмалар зали жойлашади. Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари олиб борилиб, яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади.

Галерея экспозицияларини қизиқарли экспонатлар билан бойитиш йўлида ҳам талбиркорлик билан иш кўрилади. Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Меҳти Кагаров каби таниқли мўйқалам усталарининг энг яхши картиналари жамланди. Шунингдек, галереяда турли касб эгалари билан учрашув кечалари ташкил этилади.

Рассомнинг совғаси

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев тиниб-тинчиш нима эканлигини билмайдиган мўйқалам усталаридан. Уни биз гоҳ кўргазма залларида ёшлар билан мулоқотда, гоҳ меҳрибонлик уйларида, гоҳ истеъдодли ёш ижодкорлар давраларида учратамиз.

Йўли тушиб, Сурхондарёнинг Бойсун қишлоғига борса, ўзи тарбия топган меҳрибонлик уйида меҳмон бўлади. Бу ерда рассом ташаббуси билан доимий расмлар кўргазмаси ишлаб турибди. Яқинда мўйқалам устаси янги яратган картиналаридан бир нечасини бу экспозицияга совға қилди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистонимиз кўп минг йиллик тарихга, маданиятга эга бўлган, жаҳон тамаддуни чорраҳасида келган, ўнлаб илм-фор-ҳолари билан башарият тафаккурини ёритган табаррук диёр эканлигини дадил айтмоқдамиз.

Халқимиз азалдан меҳнатқашлиги, буюк яратувчилик фазилатига эгаллиги, ҳамisha эзуликка интилиб яшаши билан ажралиб туради. Узининг миллий гурури, бировдан кам эмаслиги билан бировга буй эгиб, ўзини камситишга йўл қўймаган ва қўймайди ҳам. Халқимиз азалдан истиқлолга интилган, курашган. Бу ҳақда тарихга мурожаат қилишимиз мумкин. Тарихимиз мобайнида бизга кўз олайтириб юртимизни босиб олмоқчилар кўп бўлган. Эраимиздан олдинги III асрда — Форс подшоиси Кирга қарши Тумарис ва Доро I га қарши Широқ, Илгизарга қарши Спитамен, араб истилосига қарши Муқанна кўзғолони, мўғулларга қарши Маҳмуд Торобий, чоризм истилосига қарши Дукчи Эшон кўзғолони, XX аср собиқ иттифоқ даврида — Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Чўлпонлар ҳам озодлик, ҳурриятга интилиб яшадилар, оқибатда шу курашда қурбон бўлдилар. Демак, тарихимизда озодлик учун курашлар кўп бўлган.

Халқимизнинг озодлик ҳақидаги асрий орзулари рўёбга чиқди. Биз мустақил бўлдик, тарихан 12 йил қисқа муддат бўлсада, биз ислохотларни амалга ошириб жамиятни тубдан ўзгартириш йўлидан дадил бормоқдамиз. Илм-фан, иқтисодий ривожланишда ҳам — турли соҳаларда ютуқларга эришдик. Мустақиллик шарофати билан аждоқларимиз, маданий меросимизга катта аҳамият берилмоқда. Амир Темур, Бобур, Улугбек, Форобий, Мотирудий мерослари ўрганилиб, уларнинг маданий ҳаётимизга қўшган ҳиссаларига юкори баҳо берилди.

90 га яқин хориз мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Мустақил Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ишига қўшилди, кўплаб етакчи жаҳон молиявий-иқтисодий ташкилотлари таркибига кирди. Юртбошимиз таъкиллаганларидек, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз».

Ҳўш, мустақилликнинг ўзи нима? Энг аввало, Мустақиллик — тенглик, ўзлгимизни англамоқлик, мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш демакдир. Президентимиз Ислом Каримов Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар онги ва тафак-

курда ўзгариш яшаш асосида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришининг ўзига хос куйидаги тамойилларини ишлаб чиқди:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ватанпарварлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш.

Ҳа, миллий ифтихоримиз, қадриятларимиз мустақиллик туфайли кенг кулоқ ёйиб, ўзлгимизни англаш борасида катта куч бўлди. Мустақиллик туфайли миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланиб, тилимиз ва динимиз қадр топди. Эндиликда энг яхши анъаналаримиз қанот қоқмоқда, бу борда маҳалла — халқ қадриятларининг кўзгуси бўлмоқда. У орзу-умидли, оқибатли, сабр-қаноатли, мурувватли бўлишга, одамларнинг яхши қўшничиликлда ва миллатлараро дўстликка, тинч-тотув яшашга ундаб келади. Йилимизнинг Обод маҳалла йили деб номланиши эса унинг мавқеи янада кўтарилишида катта аҳамият касб этгани. Маҳалланинг айниқса, фуқаролар ўзи-

ни ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тугган ўрни ошмоқда. Бу ҳам мустақилликнинг тогли мевасидир.

Маҳалла, аввало соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ақлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларни адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Тинчлик ва оқойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутари. Айниқса, ёш авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Мустақиллик ёш авлодни тарбия этишда катта имкониятлар ҳосил қилди. Иқтидорли ёшларнинг «Ниҳол» ва Зулфия номидаги Давлат мукофотлари ва сазовор бўлишлари ва шу каби имкониятларнинг барчаси истиқлол туфайли амалга ошаётган ишлардир. Айниқса, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, удуларимиз қайтадан хонадонимизга кириб келди. Бизнинг тўйларимиз, меҳ-

мондўстлигимиз, жумладан, келин тушгандаги удулар ранги, жийваси билан эса қолади. Бу яхши албатта. Лекин бир яхшининг бир ёмони бор, деганларидек сўнгги пайтларда тўйларга ошиқча харажат қилиш авжланди. Бу борда республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмиталари, жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Телевидение орқали мулоқотлар, радио орқали эшиттиришлар, газеталардаги мақолалар, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси «Қадрият» даврасининг маҳаллаларда олиб бораётган суҳбатлари, давралари, олимлар, ижодкорлар билан ўтказилаётган кечалар ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Истиқлолни мустақамлаш учун ҳар биримиз Ватанимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, яъни ёш авлодни тарбиялаб, уларда Ватанга садоқат, муҳаббат уйғотиш, меҳнатқаш, самимий, комил инсон бўлишида ҳаракатимиз сўнамаслиги керак. Бу борда аввало ота-онанинг, оиланинг ўрни катта. XI асрда яшаган Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек: «Ўғилдур, қиздур, тарбияни оиладан оладур».

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Файзли ва ораста маскан

Каерда ахиллик, баҳамжихатлик ва тотувлик бўлса ўша ерда кут-барака, ишда унум, фаолият самарали бўлади. Юнусобод туманидаги Ш.Мансурхўжаев маҳалласини ҳам ана шундай ибратли маҳаллалар сирасига қўшсак ярашади.

Тумандаги 50 та маҳалла ўртасида бўлиб ўтган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловида фолибликни қўлга киритган Ш.Мансурхўжаев маҳалласида 4062 нафар аҳоли яшайди, булардан 1064 нафари воёга етмаган болалардир. Миллий анъаналаримизга хос шинам маҳалла гузарига эга бўлган ушбу сўлим масканда Обод маҳалла йили ҳудудий дастури бўйича ибратли ишлар олиб борилмақда.

Диққатга сазовор жойи шундаки, энг интизомли, намунали ўқувчи-ёшлар, кўча илгорлари, фаоллар доимо рағбатлантирилиб турилади. Йил якуни бўйича фолибга пул мукофотлари ажратилган бўлса, мактабда аълочи ўқувчиларининг ота-оналари стендлари ташкил қилинган. Тарбияси оғирроқ бўлган болалар билан мунтазам комиссия иш олиб боради, уйларида бориб ҳол-аҳволлари билан танишади.

Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга доимий

равишда моддий ва маънавий томондан ёрдам бериб келинади.

Уни-ўсиб келаётган бола-жонларнинг соғлом ва бакувват бўлиб воёга етишларида муҳим омил бўлган спортга ҳам маҳаллада катта эътибор қаратилган. 63-ўрта мактабнинг майдониди 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган маҳалла футбол командаларининг шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Волейбол, баскетбол, самбо, шахмат-шашка мусобақалари ҳам ўтказилиб турилади.

Шунингдек маҳалла турли кўрик-танловларда ҳам қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда. Маҳаллалараро ёш келинлар ўртасида ўтказилган «Энг ибратли келинчақ» танловида Мусаевлар хонадони 1-ўринни қўлга киритган бўлса, «Обод маҳаллам менинг» туман мактаблараро кўрик танловда 63-мактаб ўқувчилари 1-ўринни, шаҳар бўйича эса 2-ўринни эгалладилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Маданият ва истироҳат боғларимиз ҳамisha ёшларимиз билан гавжум.

О и л а д а фарзанд туғилиши бу ота-она учун энг катта бахт. Фарзанд оила қувончи, эр-хотин ўртасида турмуш йўлларини мусталахчи боғловчи риштадир. Хар бир аёл оналик бахтига мушарраф бўлиш истагида яшайди албатта.



ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Машхураҳон ҳам учинчи фарзандига ҳомилдор бўлиб, ой кўчи яқинлашиб эсон-омон кутулишни хошларди. Бироқ бевақт бошланган дард уни хавотирга солди. Дарди кучая берган турмуш ўртоғига «тез ёрдам» чақиришини айтиди. Олимжон зудлик билан хотинини касалхонага олиб борди. Хотини анча азоблар билан етти ойлик ўғил фарзанд кўрди. Унинг оғирлиги 900 грамм эди. Эр-хотин фарзандларининг аҳоли оғирлигини билиб қаттиқ таъшишга тушишди. Яшаб кетармиксин, умид қилса бўлармикан, деган саволлар фикру хаёлида эди. Чақалоқни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-тектириш институти клиникасининг неонатология бўлимига ётқизишди. Бу бўлимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош неонатологи, профессор Матлуба Азимжоновна раҳбарлик қилиб келмоқда. Матлуба опанинг фаол иштирокида институт қошида республикада биринчи бўлиб чала тузилган чақалоқларни парвариш қилиш бўлими ташкил қилинди.

Машхураҳон фарзанди ҳам шу бўлимда икки ойдан ортик Матлуба опанинг назорати ва парвариши остида вазиғага вази қўшилиб ҳаётга қайтди. Она фарзандини бағрига босиб ўз касбининг фидойилари бўлган шифокору ҳамшираларга минг бор ташаккур айтиб шодон ўз уйига қайтди.

Тиббиёт фанининг тараққиёти, республикамизда аҳолини соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар туфайли айниқса ушбу илм даргоҳида неонатология марказининг ташкил топиши билан гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолиниб, тўлақонли ҳаёт кечиришларига эришилапти. Ушбу бўлим янги тузилган чақалоқлар ва биринчи ёшдаги болаларда йирингли септик касалликлар муаммоларини ўрганади. Бугунги кунда чақалоқлар патологияси бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таъминлаган Матлуба Азимжоновна шахримиздаги болалар касалхонасида шифокор педиатр сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ва аспирантурага кириб уни ҳам муваффақиятли тугатди. Шифокорлик фаолиятида у ичак инфекциялари, хусусан қорин тифи, ўткир ичбурғу касалликларини бошдан кечирган болаларда камқонлиқнинг ривожланишига эътибор берди. Унинг аспирантурадаги илмий изланишлари республикамизда ичак инфекциялари билан оғриган болаларда камқонлиқнинг ривожланиш механизмининг ўрганишига қаратилди ва 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг у ўз касб маҳоратини тинмай ошира бориб, республикада биринчи бўлиб чала тузилган болаларни парвариш қилиш бўлимларини ташкил этиш, уларга қараш усуллари, овқатлантириш муаммолари билан шуғулланди. Матлуба Азимжоновна томонидан биринчи марта Урта Осиё минтақаларида ой кўчи етмасдан тузилган болаларда септик касаллигининг клиник кечиб хусусиятлари, айрим асоратларининг ва камқонлиқнинг ривожланиш

механизмлари, боланинг иммун ҳолатининг ўзгариш жараёнлари ишлаб чиқилди. Матлуба опа Американинг «Кросслинк Интернетейшнл» корпорацияси олимлари билан биргаликда 1992 йил давомида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида камқонлиқ касаллигининг тарқалиш даражасини ўрганди. Шу корпорациянинг тақдими билан 1993 йилда у Американинг учта штатида бўлиб, улардаги турмуш шароитлари, янги тузилган чақалоқлар бўлими фаолияти билан танишди, малакасини оширди. У ерда олган айрим янгиликлар республика неонатология хизмати ишига жорий қилинди.

Профессор Матлуба Азимжонованинг илмий изланишлари натижалари битта монография, 116 илмий мақола, 21 та услубий тавсияномаларда ўз аксини топган. У битта муаллифлик гувоҳномаси ва 4 та рационализаторлик тақлифлари гувоҳномаларини олган. Унинг неонатологиянинг долзарб муаммолари бўйича ишлаб чиққан услубий тавсияномалари республиканинг барча тиббиёт олий ўқув юрталари ўқув дастурларига қўшимча маълумот сифатида киритилгандир. Олиманинг меҳнатлари муносиб баҳолалиб «Меҳнат фахрийси» нишони, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» фахрий унвони ва қатор Фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Кейинги 4-5 йил ичида Матлуба опа раҳбарлик қилаётган клиникада 700-900 грамм чала тузилган чақалоқлар муваффақиятли парвариш қилинмоқда. Унинг меҳнатсаварлиги, билимдонлиги, интилувчанлиги, ўз ишига фидойилиги туфайли республикамизда неонатология хизмати мустақкам оёққа турди.

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган, ҳукуматимиз халқ саломатлиги масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда.

Айниқса Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» дастурининг яратилиши муҳим тарихий воқеа бўлди, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Матлуба Азимжоновна. — Бизнинг мақсадимиз ҳам ой кўчи етмай тузилган чақалоқларни асраб қолиш, уларнинг соғлом, бақувват ўсиб-вояга етиши учун пухта замин яратишдир. Бу борада бўлимда Камола Алимова, Нилуфар Шохалилова, Тоҳижон Тўрақуллова, Саида Юсупова сингари ўз касбига меҳр қўйган жонқур шифокор ва ҳамширалар гўдаклар саломатлигини тиклашда ўз меҳр ва малакаларини аямий меҳнат қилишмоқда. Хар бир инсон ой кўчи етмай-етмай дунёга келдики, у инсон албатта яшаши керак. Шу гўдақни парваришлаб, ҳаётга қайтариш мен учун энг катта бахт.

Ҳаёт албатта фарзандлар билан мазмуни ва бахтиёрдир. Шундай экан, оиламиз қувончи, бахту иқболи бўлган гўдакларимизнинг саломатликларини тиклашда ўз билим ва маҳоратларини аямий меҳнат қилаётган Матлуба опадек фидойи, жонқур шифокорларимиз ҳамisha орамизда кўп бўлишини истаймиз. Бу йўлда Матлуба Азимжоновнага куч-қувват ва омад тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-тектириш институти неонатология бўлими фаолиятдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

• МУСОҲАБА ХАВФЛИ ЎСМАЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Бугунги кунда онкологик касалликлар тўғрисида эшитмаган инсон бўлмас керак. Бу хасталиқ оқибатидан ҳаётдан кўз юмган яқин ёки узоқ қариндошларини, танишларини хар бир одам эслаб олади. Шунинг учун онкологик касалликларнинг сабаблари, уни барвақт аниқлаш, самарали даволаш ва олдини олиш фақат тиббиёт ходимларининг эмас, балки барча аҳоли диққатини ўзига жалб қилмоқда. Ушбу мавзу бўйича биз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг онкология бўйича биринчи академик Наримон МУРОДХЎЖАЕВГА мурожаат қилдик.


— Наримон Қодирович, ҳаммамизга маълумки онкологик-хавфли ўсма касаллиги билан оғриган беморлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Бу касаллиқнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот берсангиз...

— Онкологик касалликларни (ўзбекча — хавфли ўсма, русча — рак, латинча — канцер, арабча — саратон) ҳозирги вақтда ер юзидаги бутун мамлакатларда учратиш мумкин. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахбороти бўйича 2002 йилда дунёда хавфли ўсма билан 10 миллион одам касал бўлган. Республикада ўтган йили 18 миң атрофида бундай касаллик аниқланган. Афсуски, ушбу касаллик билан оғриганларнинг яримдан кўпи ҳаётдан кўз юмади. Шунинг учун ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун ҳамма мамлакатларда илмий тадқиқотлар ўтказилган. Ҳозирги пайтда хавфли ўсма билан касалликларга нисбатан (масалан, юкүмли касалликлар) хавфли ўсманинг сабаби битта эмас, балки кўп. Уларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи ва ички сабаблар. Ташқи сабаблар, бу — атроф-муҳитдан келиб чиққан кимёвий моддалар, физикавий омиллар (рентген ва гамма нурлар, альфа ва бета заррачалар ва қуёшнинг ультратўқна нури) ва вируслар.

Кимёвий моддалар ичида хавфли ўсма келтирувчилардан энг кўп учрайдигани — бу 3,4-бензпирен: номли (БП) модда. У жуда катта миқдорда ҳамма транспорт (автомобиллар, паровозлар, самолётлар) ва завод тутунида мавжуд. Хайвонларда ўтказилган махсус тажриба сикновлари шуни кўрсатдики БП ўпка, ошқозон (меъда), йўғон ичак ва бошқа аъзоларда хавфли ўсма пайдо бўлишига сабабчилардан биридир. Физикавий сабаблардан рентген ва гамма нурлар кўп миқдорда одамга таъсир қилса қон, сўт бези, туҳмудон, ўпка, жигра ва бошқа аъзоларда хавфли ўсма ҳосил қилади. Хар хил вируслар (масалан, гепатит В ва С вируслари) хавфли ўсма сабабчиси бўлади. Ички сабаблар ичида биринчиси — бу ота-онадан болага ўтган хавфли ўсма (масалан бўйрак раки — нефробластома, кўз раки — ретинобластома ва бошқалар).

Иккинчиси — бу ота-онадан болага ўтган хавфли ўсманинг ўзи эмас, балки унга мойил касалликлар (масалан, меъда ва ичаклар по-

липоз, терининг пигментли ксеродермаси ва бошқалар); ички сабаб — бу одамнинг йўғон ичагида овқат ва сув билан тушган минерал ўғитлар,



пестицидлар, бўёқлардан ичкадаги бактериялар синтез қилган нитроз бирикмалар. Улар ҳамма ички аъзоларда хавфли ўсма пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин; тўртинчи сабаб — одамнинг шахсий одатлари, ҳаёт тарзи ва феъли билан боғланган. Бу сират ва ароққа муқассидан кетиш, овқатни кўп миқдорда ва жуда аччиқ, шўр, ёғлиқ истеъмол қилиш, турмушда учрайдиган таш-

вишлар ва хафагарчиликларни енга олмаслик, сурункали касалликларни даволашга интиласлик ва бошқалар.

— Айтилган сабабларга кўра одамда хавфли ўсма пайдо бўлар экан. Ҳозир уларни ўз вақтида аниқлаш усуллари мавжудми?

— Ҳа, бундай усуллар бор. Рентген ва ультратўқна аппаратлар ҳамма аъзодаги ўсма билан аниқлашда катта ёрдам беради. Меъда-ичак ва ўпка йўлларида учрайдиган хавфли ўсма билан эндоскоп номли ускуналар билан топиш мумкин. Охириги пайтда ўсма билан аниқлашда компютер ва магнит-резонанс аппаратлари жуда яхши натижалар бераётир.

— Хавфли ўсма билан касалликларни олдини олиш (профилактика) муаммосини энг муҳим деб ҳисоблайди ва уни енчиш учун ички хол чора-тадбирлар кўрсатади. Биринчи чора-тадбирлар — бу одамнинг атроф-муҳитдаги соғлиғига зиён келтирадиган хар хил турдаги транспортлар ва заводлар тутунини йўқ қилиш ёки уларни маълум хавфсиз даражагача пазайтириш, хар хил касалликларни аниқлашда қўлланиладиган рентген нурларини нормал меърада ишлатиш ва бошқалар. Иккинчи чора-тадбирлар — бу хар бир одамнинг ўзи юкорида айтилган ёмон одатлардан воз кечиши, соғлом ҳаёт тарзи талабларига риоя қилиши, сурункали касалликларни ўз вақтида даволаш ва бошқалар. Ҳозирги пайтда хар бир аъзодаги хавфли ўсмага хос чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу ҳақда поликлиникалардаги мутахассис-онкологлардан маслаҳат олиш мумкин.

Гулором ҲАМИДОВА суҳбатлашди
СУРАТЛАРДА: шахр онкология диспансери фаолиятдан лавҳалар.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

• ШИФОКОР ОҒОХЛАНТИРАДИ

КУН ҚИЗИГАНДА...

Республикамизни Марказий Осиё минтақасидаги энг иссиқ ҳудудлардан бири десак адашмаймиз. Мана бу йил ҳам ёзнинг жазирама кунлари тугаган бўлса ҳам ҳарорат пасаймаётгани сир эмас.

Албатта, ҳароратнинг оқори бўлиши одам танасидаги физиологик жараёнларнинг мўътадил кечилишига салбий таъсир кўрсатади. Инсон танасининг муҳим хусусиятларидан бири, унинг кескин ўзгаришчан муҳитга мослаша олишидир. Иссиқ iklim шароитига мослашишда танани чинқитириш, иссиқ iklimга хос кийиниш, овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Одам танасида мураккаб модда алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик қуввати узлуксиз равишда ажралиб туради.

Инсондаги терлаш ҳолатини парвардгорнинг инсонларга кўрсатган чекисиз меҳрибонлиги десак бўлади. Негаки, кўпчилик қушлар, хайвонлар танаси бундай имкониятлардан маҳрумдир. Шунинг учун улар саратон иссиғида оғизларини катта очиб қоришга мажбурлар. Уларнинг тер безлари асосан тилларининг юза қисмига жойлашган. Агар инсонда терлаш имкони бўлмаганда эди танасининг ҳарорати 1 соат ичида 1,5 даражадан кўтарилиб 35-40 соатдан сўнг қайнаш нуқтасига етиши мумкин бўларди. Танамизда иссиқ алмашиш жараёнининг издан чиққан вақтларида ҳароратимизнинг 3-4 даражага кўтарилиши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кимдир кўп терласа, бошқа биров кам терлайди. Бунинг бир қанча сабаблари бор: ирсий мойиллик, кунлик ҳаво ҳарорати, соғлиқни кам ёки кўп истеъмол қилиш, қуёш нурининг таъсири, шамолнинг тезлиги,

қўнғилсиз холлар содир бўлса, беморни тезлик билан иссиқ ва қуёш нуридан соясалқин ерга олиб, тананинг эркин нафас олишини таъминлаш, тоза сув ичириши боши ва кўкрагига совуқ сув билан ҳўланган латтани босиш керак. Беморнинг аҳолига қараб тиббий ёрдам кўрсатиш лозим. Бундай беморлар бошлари кўтарилган ҳолда бўлишига катта эътибор беришни унутмам. Беморга сув ичиришининг иложи бўлмаса ёки юзига сув селгандан сўнг ўзига келмаса, тез тиббий ёрдам чақириб керак. Эрталабки ва кечки салқинда, тушки пайтда эса чанқок босар таомлар, шарбат ва мевалар тановул қилинаса бўлади. Уй шароитида мева-шарбатлари, олча қўшиб қайнатилган туршак сувларидан фойдаланса яхши бўлади. Ёз кунлари суякликни кечқурун тўйғунча ичса зиён қилмайди. Туш маҳалида эса у ишқорий холлатни юзага келтиради. Ишқорий холлатда ошқозон ва ичакларда кашқар кацирувчи микроблар тез кўпайиши кишининг касалланишига олиб келиши мумкин. Бошдан то оёқгача пахта ёки юпка оқ ипдан тўқилган матолардан кийим-бош кийиш мақсадда мувофиқдир. Катталар ва болалар иссиқ пайтларда сочларини тез-тез устара билан кирдириб, оқ рангданги дўпчиларни кийиб юришлари айна мудаодир.

Абдувахоб ТОҲИРИЙ,
Тошкент шахр шифокорлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси.

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ТАЪБИНГИЗ ХИРА БЎЛАДИ

Озодалигу орасталик доимо одамзотнинг ақлини хархлаб, фикрини тиник қиларди. Тозалик бор жойда соғлиқ ҳам, шодлик ҳам ёнма-ён.

Бирок, баъзи бир марказий бозорларимизнинг айрим жойларда аҳолини кўриб таъбингиз хира тартиб асабингиз бузилиши табиий. Ишонмасизми, унда марҳамат фактларга таянган ҳолда мисоллар келтирамиз.

Масалан, Эски Жува бозорини олайлик. Мазкур бозорнинг қовнар-тарвузлар сотиладиган жойига борсангиз сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, харидорлар ҳам би-сёргина. Аммо теварак-атрофга қараб бўлмайди. Пучоқлар ён-атрофга сочилиб ётибди. Сотуви эса тинмай жаврайди. «Кеп қолинг, еб олинг мазаси асалдек тилини ёради, шарардек...» Ёшу-қарилар қовун ёйиш билан овора. Сотиш учун тилимлаб кесиб қўйилган қовунларнинг усти ёпилмаган. Виж-виж пашшалар ҳам сотувчининг ёнидан жилгилари келмай қовунлар устида гирди-капалак.

Микроблар устига микроблар ётилади. Қовун бозорининг шундоқ ёнгинасида гўшт бозори. Бу ер ҳам гавжум. Аммо баъзи гўштлардан таралаётган қўнласа хидларга чидаб бўлмайди. Санитария-гигиена қордаларига кўпинча амал қилинмайди.

• БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ КУНДУЗГИ УЙҚУ ЗАРАРМИ?

Одамлар орасида кундузи ёки оқшом олдинда мизгиб олишни хуш кўрувчилар анчагина. Лекин уларнинг аксарияти уйқудан ланж ҳолатда туришларидан шикоят қилишади. Нега бундай, кундузи ухлаш зарарлими? Мутахассисларнинг бу ҳақдаги фикрлари қандай?

Инсон организмиде табият жойлаштирган маълум уйқу биоритми мавжуддир. Бошқача айтганда, хар бир инсон тунда ухлаши, кундузи эса самарали меҳнат қилмоғи лозим. Инсон суткада бир марта ухламоғи керак. Бу организм талабиди. Бундай режими риоя қилмаслик, турли нохушлиқларга олиб келиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, тунда эрқакар 8 соат, аёллар эса 9 соат қониқиб ухламоқлари даркор. Шунга амал қилинса, кундузи уйқуга ҳеч бир эҳтиёж қолмайди. Ижтимоий тадқиқотларнинг тасдиқлашича, «тун ва кун цикли»га риоя қилмаслик муддати беш йилдан ошган тақдирда организмда модда алмашинуви 7-8 фоизга бузилади. Бунинг оқибатида инсоннинг асосий ва руҳий ҳолатига, гормонлар фаолиятига, юрак-томир тезлигига жиддий зиён етказиши мумкин.

Сиз деярли қониқиб ухлашга эриша олмайсиз. Шу боисдан ўз соғлигингизга ўзингиз пугур етказмаслигини, биоритмология қонунларига иччил риоя қилишни маслаҳат берамиз.

Равно ЖўРАЕВА

Шарқ дурдоналари

03.03 ҲАҚИМОЙ ДОМО БУЛГАН...

• Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб, шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб кутулмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўрқок, алдамчи дўстдан душман афзал.

Сухроб Ҳаким айтди:

— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очик юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлиқнинг бошлиниши мадҳ-сано биландир.

• Араб фозилларидан Асмаий айтди:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. У бир киши сифарли палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосга ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:

— Икки душман бутун бир ер юзига сиймайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сийга олади.

Қисса:

Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдар бўлишга аҳду-паймон қилишибди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, серғушт, мен эса бир кичик, озғин нотавон махлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тугиб ейман.

Шер ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб, уни ҳам ҳалок этибди.

Ҳисса:

Дўст танлашда шошилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғазабкорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг кунни тушмасин.

Байт:

Кимки дўстликни хор айлабди, уни — Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.

• Дўстини шошилмай танла, танладингми ундан юз ўгирма.

• Янги дўст топганинда эскиларини унутма.

• Дўстлик — бу муқаддас сўз, илохий бир туйғудирки, у фақат хокисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Қамолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда" мавзусида энг яхши фотосуратлар кўрик-танловини эълон қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:

Кўҳна Тошкент;
Истиқлол нашидалари.

Миллий кадриятлар;
Миллий кадриятлар.

Фотосуратлари
Тошкент шаҳар, 700005,
Маворуйнаҳар кўчаси, 14
манзилига юборилг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қўрилади.

*Энг яхши фотосуратлар
қимматбаҳо совғалар ва диндорлар
билан тақдирланади.*

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент",
газеталарида.

**Севимли
ШАХРИМ**

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

• ҲАМКОРЛИК

Яна бир шартнома

Бугунги кунда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети пойтахтимиздаги қатор йирик муассаса ва ташкилотлар билан алоқалар ўрнатган. Ўзбекистон Давлат Миллий банкида олий ўқув юрти талабалари учун алоҳида ўқув хоналарининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорлик туфайли юзага келди.

Университет яқинда республика Давлат солиқ кўмитаси билан ҳам шартнома тузди. Ўзаро келишувга биноан олий ўқув юрти талабалари учун кўмита бўлимларида амалий машғулотлар ташкил этилади.

Бу эса янги ўқув йилида «Солиқ ва солиқ тўлаш», «Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит», «Молиячилар», «Менежмент» каби иختисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатидан янада яхшилаш, уларда амалий кўникмаларни ўстириш имконини беради.

Келажаги буюк давлатни кўли ва дили пок, ўз соҳасининг пири бўлган устоз-мураббийлар кўлида таълим-тарбия олган ёшлар барпо этади. Ватан тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилиш, билимга ташналик, юксак маънавият миллатни буюк ва саховатли қилади. Мустақиллигимизнинг биринчи қадамларидан бошлаб ёш авлодни билимдон, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Юртбошимиз ташаббуслари билан янги университетлар ташкил этилди. Қадимий Маъмун академияси тикланди. Марказий Осиё давлатларининг тўнғич илм ва зиё маскани ҳисобланган Мирзо Улуғбек номидаги университетга «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида назарда тутилган мамлакатимиз

равнақи учун ҳар томонлама етук, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш юмуши республикамиздаги барча олий ўқув юртлари қатори Ўзбекистон Миллий университетининг зиммасига ҳам юкланган. Университетда таълимнинг узлуқсизлиги тўла таъминланган бўлиб, у академик лицей-бакалаврият-магистратура-аспирантура-докторантура тизими орқали амалга оширилади. Миллий университетда таълимнинг 31 йўналиши бўйича бакалавр, 102 иختисослик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Бакалавриятнинг 24 йўналиши бўйича университет таянч олий ўқув юрти ҳисобланиб, шу йўналишлар учун давлат стандартлари, уларга мувофиқ намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. 122 иختисослик бўйича эса магистратура давлат стандартлари ва намунавий ўқув режалари ишланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ижтимоий-сиёсий фанлар ҳамда компьютер технологиялари янги факультетлари ташкил қилинди. Бакалавр босқичида экология ва табиатдан фойдаланиш, минтақавий иқтисод, геодезия — картография ва кадастр, жаҳон фалсафаси ва мантиқ таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш янгидан йўлга қўйилди.

Ҳозирда университет таркибида 15 та факультет, 120 та кафедра, амалий физика институти, С. Сирождидинов

ва С. Раҳимов номидаги 2 та академик лицей ишлаб турибди. Мамлакатимизнинг етакчи илм даргоҳида 930 га яқин профессор ўқитувчилар, шу жумладан, 20 дан ортик академиклар 10.000 дан зиёд талабага таълим бермоқда.

Чуқур билим замон талабидир. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий услуби — рейтинг тизими ўқув жараёнига жорий этилган. Факультетларда ташкил этилган сифат комиссиялари ўқитувчилар томонидан ўтिलाётган дарслар сифати ва талабалар томонидан бу дарсларни ўзлаштириш даражаси устидан мунтазам назорат олиб борадилар. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига модуль тизими жорий қилинди. Унинг моҳияти ҳар бир талабанинг ўз устида мустақил ишлашни таъминлашга қаратилгандир. Иқти-

ўқитувчилар юқорида қайд этилган муассасаларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

Фарб ва шарқдаги ривожланган мамлакатларнинг 15 та университети билан шартномалар тузилиши умумий илмий тадқиқот ўқув ишларининг жаҳон стандартлари даражасига етишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Университетнинг халқаро алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб кенгайиб бормоқда. Ҳозир АҚШ, Англия, Германия, Россия, Испания, Япония, ХХР, Дания, Исроилнинг университетлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университетда 60 та халқаро ва республика грантлари бўйича самарали илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун,

• Маънавият сарчашмалари

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЁРҚИН МАЁФИ

дорли талабалар билан ишлаш бора-сида ҳам диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Ҳар бир иқтидорли талабага кафедралар томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ажратилган бўлиб улар шахсий режа асосида кўшимча машғулотларга қатнамоқдалар. Уларнинг кўпчилиги илмий-тадқиқот гуруҳларига ишга қабул қилинган.

1998 йилдан бошлаб факультет ва кафедралар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида турли жиҳозлар, ўқитиш техника воситалари, компьютерлар, ўқув адабиётлари харид қилинди. Интернетга улашиш, кутубхона картотекаларини компьютерлаштириш, барча факультет ва бўлимларни боғловчи икки компьютер тармоғини ишга тушириш амалга оширилди. 20 дан ортик компьютер синфлари ташкил этилди.

Билимдон, юксак малакали ўқитувчилар давр талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашни сир эмас. Университет профессор ўқитувчилари малакасини ошириш Олий педагогика институти, Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институти ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи университетларида амалга ошириш йўлга қўйилган. Ҳар йили 80-100 профессор

қий тарбия ёшларда касбга масъуллиқ, ижодий тафаккур, ватан ва миллатга фидойилик туйғуларини шакллантиришга қаратилган. Ўқув гуруҳларида кураторлик тизими қайта тикланди. Ўқитувчиларга ҳам, талабаларга ҳам талаб кучайтирилди. Маданият саройи, ётоқхоналарда одоб ахлоққа, маънавиятни мустаҳкамлашга қаратилган қизиқарли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, талабалар ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказилаётди.

Юртбошимиз 1990 йилда университет талабалари билан учрашиб «Тошкент давлат университети мамлакатимизнинг маълум маънода илм фан, маданият ва маориф соҳасидаги навқирон бугуни ва келажагини кўрсатувчи ўзига ҳос ойнадир. Бу ойна доим мусаффо бўлсин» деб айтган эдилар.

Шу йил кўзда Ўзбекистон Миллий университетининг 85 йиллиги нишонланади. Миллий университет ўзининг бутун тарихи давомида Олий таълимнинг ёрқин маёфи бўлиб келмоқда. Биз унинг бағрида етишиб чиққан ва жаҳонга танилган алломалари билан фахрланамиз. У ҳамшираликка Ўзбекистон илм фани, маданиятининг тиниқ кўзгуси бўлиб қолади.

Мирза Анвар КАРИМОВ

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

АНЪАНА БУЗИЛДИ

Франциянинг буюк арбобларининг ҳоки қўйилган Пантеоннинг пештоқида: «Буюк ўғлонларга — миннатдор Ватандан» деган ёзув бор. Яқиндан эътиборан бу зув ўзининг мазмунини бир қадар йўқотди. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Франция Президенти, Бош вазири, қўшни давлатлар раҳбарлари иштирокида икки марта Нобель мукофоти соҳибаси Мария Кюри ва Пьер Кюриларнинг ҳоқини Пантеонга қўйиш маросими бўлиб ўтди. Пантеондан мангу хобгоҳ топган Вольтер, Жан Жак Руссо, Виктор Гюголар қаторида асримизнинг энг буюк кимёгарлари ҳам жой олишди.

«Пантеонга аёл кишини қўямизми, йўқми» деган мавзуда асримизнинг бошидан бери чўзилиб келаётган баҳс ниҳоят ана шундай тугалланди. Бу борадаги энг катта мунозара 1989 йилда бўлиб ўтганди. Шу йили буюк француз инқилобининг 200 йиллиги муносабати билан тарихчи олима Катерина Моран-Фукс Пантеонга машҳур инқилобчи аёл Олимпия де Гужнинг ҳоқини қўйишни таклиф қилган эди. Лекин бу таклиф кўпчилик томонидан орқага сурилганди.

Бу йил эса масала Мария Кюрининг фойдасига ҳал бўлди. Эр-хотин Кюрилар илмда инқилоб ясаган чинакам буюк олимлар эди. Бунинг устига кўп йиллар бирга яшаган эр хотиннинг Пантеонга ҳам бирга кириб бориши адолатли иш бўлди. Яна бир гап: Мария Кюрининг фандаги жасоратини унча-бунча эркак бажара олмайди.

ДЕНГИЗ ТУБИГА

«Кавлайверсанг бир нима топасан». Бу Миср археологларининг муқаддас сўзларидир. Улар Миср ва унга яқин сувларнинг остидан икки юз йилдан бери қидириш ва қазиш ишлари олиб бордилар. Лекин ҳали арзғулик бирон ўлжа қўлга киритмагандир.

Утган йили кузидан бошлаб Искандария бандаргоҳида 20 француз ва 10 Миср сув остига шўнғувчилари жиддий ишга киришдилар. Бунга Бирлашган Миср Республикасининг қадимий ёдгорликларни сақлаш ташкилоти чиқарган қарор туртки бўлди. Ташкилотнинг кўзда тутган мақсади Мамлуқлар қалъаси ва оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлган Искандария (Фарос) маёғини сақлаб қолиш эди. Шўнғувчилар сув остида қутилмаган нарсаларга дуч келдилар. Улар 6-8 метр жойда ҳайкаллар, ҳатто сфинкслар, ибодатхоналарнинг устунлари, 70 тонна келадиган, улкан грант блокларни топдилар. Улар Фарос маёғининг бўлақлари эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Қимматбаҳо топилдиқлар музейларга топширилади.

Фаввослар эса жон-жаҳдлари билан ишни давом эттирдилар. Улар 3-4 ой ичида Искандария шаҳри атрофларини синчиклаб кўздан кечиришлари керак. Чунки шунча мuddат ўтиб шаҳарни сақлаб қолиш учун сув остида таъмирлаш ишлари бошланади.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "ДИЛИМДАСАН-ПОЙТАХТИМ" энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябрғача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ, эътиборли ҳажасмлар ва радиомухлислар томонидан аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароунахор кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Кунни кеча Тошкент касб-хунар туризм коллежиде «Урта махсус касб хунар таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишининг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ушбу илмий-амалий анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад вояга етмаган ёшларни бунёдкорлик ҳамда яратувчанлик руҳида тарбиялаш жараёнидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиб, масалалар ечимини топиш эди.

Бу борада мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида қўлга киритилаётган ютуқлар билан биргалликда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек, ёшлар ўртасида ўқраб турадиган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориш масалалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилида маънавият ва маърифат ишларини янада такомиллаштириш хусусида ҳам сўз борди.

— Янги ўқув йилида талабаларимизни маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган воқеалардан хабардор қилиш мақсадида коллежimiz кутубхонасига кўплаб янги адабиётлар киритилди, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Баҳодир Валиев. — Асосий вазифамиз ёшларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ва ўзбек туризмнинг салохиятини юксалтиришдир.

Гулҷеҳра САЙИДМУРОВОВА

ЎЗБЕК ВА ЯПОН АКТЁРЛАРИ ИЖРОСИДА

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри япониялик актёрлар билан ҳамкорликда «Дон Кихот» балетини сахналаштирди. Тошкентликлар 5-6 сентябрь кунлари ушбу асарни томоша қилишлари мумкин. Спектаклни сахналаштириш учун «Тойота-сити Балет компани» мактабига мансуб 25 кишилик балет ғуруҳи Ўзбекистонга келди. Пойтахтдаги премьерадан сўнг, у Самарқандда ҳам намойиш этилади.

— Ғуруҳимиз ёш, биздан кўра тажрибали ҳамкасбларимиздан ўрганиш имконияти тугилганидан жуда хурсандимиз, — деди матбуот анжуманида сўзга чиққан «Тойота-сити Балет компани» бадий раҳбари Сува Хитоси. — Беш йиллик ҳамкорлигимиз мобайнида кўплаб қизиқарли лойиҳаларни амалга оширдик. Навоий номидаги Давлат академик Катта театри билан ҳамкорликда яратилган спектакллар Нагоя, Токио, Осака шаҳарларида қўйилиб, кўпгина томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. «Жизель»нинг намойишида император оила-

сининг иштироки ҳам шундан далolat беради.

Тойота шаҳрида 1988 йилда ташкил топган балет ғуруҳи Чайковский номи билан аталади. Бу мактаб битирувчилари ўрта маълумот тўғрисида шаходатнома олишади. Мактабда ишлаш учун россиялик мутахассислар мунтазам таклиф қилинади. Санкт-Петербургда эса япон балет ғуруҳи ўз концертларини намойиш этади. Айни вақтда «Тойота-сити Балет компани» билан Маринск театри солисти Равиль Багаутдинов ҳамкорлик қилмоқда.

— Тошкентлик томошабинларга тақдим этилаётган «Дон Кихот» балети туйғу ва ҳиссиётларга бойлиги, рақсларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради, — деди Мариинск театри солисти Равиль Багаутдинов. — Бизнинг олдимизда биририни севувчи қаҳрамонларнинг ҳиссиётларини, истан миллий рақслари рангларини томошабинга етказиш вазифаси турарди. Биз ушбу вазифани баҳоли кудрат удалашга эришдик.

«Туркистон-пресс»

ТАБИАТ

ХУРМАТ-ИЗЗАТ РАМЗИ

Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг кейинги нашрида «Умуртқасиз ҳайвонлар» бўлими орқали талайгина маълумотлар ёритилди. Уларда Марказий Осиё сув ҳавзаларида ҳаёт кечираватган умуртқасиз ҳайвонлар фаунаси ўз ифодасини топди.

Умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясига оид бу мақолаларнинг аксарияти йирик олим

Зувайдулло Иззатуллаев томонидан босмага тайёрланди.

Зеро, бу изланувчан тадқиқотчининг илмий ишларида минтақамизда яшовчи моллюскаларнинг ҳаёт тарзи, экологик-биологик ҳолатлари атрофлича ўрганилган.

Шу билан бирга зоолог олим моллюскаларнинг 100 дан ортиқ турини аниқлади. Шулардан 10 таси Зувайдулло Иззатуллаев номи билан аталди. Бу эса унинг самарали илмий фаолиятига билдирилган хурмат-иззат рамзидир.

Анвар ВАЛИЕВ

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими ташаббуси билан беш нафар «Камолот» сардорлари ва тумандаги «Ўзгариш» маҳалласи педагог тарбиячиси Г. Аманова ҳамкорлигида ушбу маҳалла ёшлари учун Ўзбекистон Давлат тарихи музейига экскурсия уюштирилди.

Экскурсия давомида маҳалла ёшлари ўзлари учун Ўзбекистон тарихига оид бўлган кўпгина қизиқарли маълумотларни билиб олдилар. Энг қадимги одамлар — питекантроп, неандертал, синьантропларнинг яшаш тарзлари, уларнинг ташқи кўринишларининг бир-биридан фарқи, яъни ривожланиш босқичларини экспонатлар орқали янада яқиндан билдилар. Қадимги одамлар ишлатган овчилик қуроллари намуналарининг тош асри, бронза асри, темир асрида янада мураккаблашганлигига амин бўлдилар. Энг қадимги Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Кушон давлатлари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг жойлашиши хариталаридан воқиф бўлдилар. Зардуштийлик динининг муқаддас

китоби — Авестодаги яхшилик, ёмонлик, севги-муҳаббат тимсоллари билан танишдилар.

Ўзбек миллий аёлларига хос бўлган либослар, зеби гардонларнинг нусхаларини, буюк саркарда Амир Темур даврида қурилган тарихий обидалар, уларнинг макетларини томоша қилдилар. Тарихимизда чуқур из қолдирган улўғ шоирлар, мутафаккирлар, улардан қолган бебаҳо қўлёзмалар билан яқиндан танишдилар. Чор Россияси даврида Ўзбекистон халқининг аҳволи, мустамлакичиликка қарши кураш, жадидларнинг ҳаракатлари тўғрисида кўпгина янги маълумотларни олдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда юз бераётган ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар ҳам тарихнинг зарҳал саҳифаларига ёзилаётганлигидан воқиф бўлдилар. Умуман олганда экскурсия ёшлар учун кўпгина янгиликларни кашф этди, тарих дунёсига саёҳат қилишларига ёрдам берди, маънавий-маърифий дунёқарашларини кенгайтиришга ёрдам берди.

(Ўз мухбиримиз).

ЎТМИШИМИЗ ТАРИХИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

Спорт

Янги теннис маркази

Сергели туманида жойлашган «Қипчоқ» маҳалласида Истиқлолга муносиб туҳфа сифатида янги теннис маркази бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. Маҳаллада истиқомат қилаётган болажонларнинг теннис сирларидан хабардор бўлишлари мақсадида бунёд этилган ушбу спорт мақсадида барча шароитлар муҳайё. Кувончлиси, мажмуада очик ва ёпиқ теннис кортлари, дам олиш, ювиниш хоналари билан бирга сузиш ҳавзаси ҳам мавжуд. Туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамда саховатпеша инсонлар ёрдамида бунёд этилган мажмуа болажонларга ҳақиқий совға бўлди.

Афинага йўлланма олди

АҚШда спорт гимнастикаси бўйича жаҳоннинг кўплаб таниқли гимнастикачилари иштирокида ўтказилган жаҳон чемпионати ҳамюртимиз Александра Гордеевага ҳам омад келтирди. Гимнастика сирларини пухта ўзлаштирган Александрани футболга туририда биринчи ўринни эгаллади. Эндиликда жаҳон чемпиони Александрани 2004 йили Грециянинг пойтахти Афинада ўтадиган ёзи Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Рейтинг бўйича юқорилади

Футбол бўйича Рига шаҳрида ўтказилган Латвия ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳамюртларимиз рақибларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратганликлари ишқибозларга маълум албатта. Учрашув натижасидан сўнг ФИФА қарорига кўра 112-ўринда бораяётган Ўзбекистон терма жамоаси рейтинг бўйича 104-ўринга кўтарилган.

Йирик ҳисобдаги ғалаба
КЕЧА

Ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 21-тур беллашувлари пойтахтлик футбол ишқибозлари кўнглини яна шод этди. «Пахтакор» марказий стадионда Муборакнинг «Машъал» жамоасига қарши тўп сурган пойтахтнинг бош командаси футболчилари маҳорат ва тажриба бода меҳмонлардан анчагина устун эканликларини намойиш этишди. Тезкор ўйин кўрсатиб кетма-кет ҳафли вазиятлар содир этиш пахтакорчиларга омад келтирди. Ўзбекистон терма жамоасининг аъзолари, «Пахтакор»нинг иқтидорли футболчилари Гочкулиев, Бикмаев ва Тожиёвлар томонидан йўлланган учта гол муҳлислар кувончига кувонч кўшди.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди. «Насаф»—«Трактор» 2:1, «Анджон»—«Нефтчи» 0:0, «Қўқон-1912»—«Самарқанд-Динамо» 1:0, «Дўстлик»—«Металлург» 1:2, «Цементчи»—«Қизилқум» 1:0, «Сурхон»—«Гулистон» 2:1.

Навбатдаги 22-тур баҳслари 8 сентябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

• МУЛОҲАЗА ЖАВОНДА КЎРК ТЎКИБ ТУРСА...

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг, матбаа-ноширлик борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришдик. Бир вақтлар собиқ тузумнинг маҳрига тушган, турли бошқарув тизимларининг маломатларидан бош кўтаролмайдиган нашриётлар эндиликда эркин фаолият юритмоқда. Айниқса, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг ташкил этилишини бу соҳадаги ютуқларнинг энг салмоқлиси десак бўлади.

Қисқа вақт ичида «XX аср ўзбек романи» туркумидаги адабиётимизнинг бадиий етуқ китобларининг чоп этилиши, ёш истеъоддорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Истеъдод» сериясининг пайдо бўлишини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Яқинда «Сиз соғинган асарлар» номи билан «САЖ-сара асарлар жавони» сериясида китоблар нашр қилина бошланди. Албатта, юртимизда ҳуқуқий-демократик тамойилларга асосланган янги фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир паллада бундай нашрнинг пайдо бўлишини, гапнинг очиги, «Шарқ» матбаачиларининг, ҳиммати десак, муболага бўлмайди. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, бугунги кун китобхони ана шундай китобларга эҳтиёж сезаётгани, муштоқлиги рост.

«Сиз соғинган асарлар» деб ном олган илк нашр чикди. Унга XX аср ўзбек адабиётининг олтин хазинасидан жой олган «Дехқон-

нинг бир қуни ва бир туни» (Ҳ. Хошимов), «Бодом қишда гуллади» (Ш. Холмирзаев), «Эркин» (Т. Малик), «Анойининг жайдари олмаси» (Э. Аъзам), «Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт» (Ҳ. Султонов), «Ҳайкал» (Ш. Бўтаев) сингари етуқ адабиётимизнинг сара ҳикоялари жамланган.

Бизни таажжубга солган жиҳат шу бўлдики, илк нашр муқоваси ниҳоятда нозик қоғоздан ишланган (ахир «Сара асарлар жавони»-я!), саҳифа қоғозларини варақлаганда уларнинг шунчаки елимлаб қўйилганлигини, агар бироз қалтирсроқ ушланса, дувава ажраб кетишини билиш қийин эмас.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг! «Сара асарлар жавони», деб ном олган китобларни чоп этишдан мақсад-муддао фақат бугунги кун китобхонининг маънавий эҳтиёжини, талабини қондириш дегани эмас-ку?! Ахир, «САЖ» наинки бугунги кунимиз, балки биздан кейинги авлод

учун ҳам ниҳоятда муҳим маънавий, бадиий обида бўлиб қолмоғи керак эмасми?!

Келинг, ибрат учун ўрта аср Мовароуннаҳр саҳнофлик оламига бир қур ғойибона намоиға ташлайлик: Кўлэзма (шоир, адиб, муаррих) томонидан тайёр ҳолга келтирилган, ҳатто (чиroyли хусниҳатда кўчирувчи) ихтиёрига ўтган. Насх ва настаълик ёзувида ниҳоятда латиф қилиб ёзилган сатрлар мутолаа этувчи кишини зариф хисларга чулғаган. Ундан кейинги юмуш эса мусаввир чикди бўлиб, у матндаги воқеа тасвирига мос миниатюра ишлаган. Шундан кейингина у муқоваш ихтиёрига ўтган...

Албатта, бугунги жадал суръатда одимлаб бораётган тамаддуний ривожланиш даврида матбаа-ноширлик ишларини ўрта асрчасига давом эттиришга имкон йўқ. Зероки, биз ҳам бу фикрдан ҳолимиз. Мақсадимиз ва муроди-миз эндигина чоп қилинаётган китобларни китобхон диди ва эҳтиёжига мос бўлса. Бадиий жиҳатдан етуқ, сара асарлар китобхонлар жавонида ўзгача санолат, кўрк тўкиб турса.

Хидирали ПАНЖИЕВ.

Суратга олинаётган на-вбатдаги бадиий фильм «Мунис онагинам» деб номланди. Ушбу экран асарига она сиймосини яратиш Республикада хизмат кўрсатган артист Гулчехра Саъдуллаевага ишониб топширилди. Кинода эсда қоларли образлар яратган Гулчехра Саъдуллаева бу сафар ҳам ўз ижрочилик маҳоратини ишга солиб, мунис онахин ички изтиробларини ишонарли талқин этишга ҳаракат қилмоқда.

«МУНИС ОНАГИНАМ» ФИЛЬМИ

Шуни айтиб ўтиш керакки, янги фильмдаги қизалоқ ролини актрисанинг қизи Муқаддас олиб чикмоқда.

Умуман, «Мунис онагинам» фильми учун кўплаб иқтидорли актёрлар танланди. Ундаги она ўғиллари ролларини эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Илҳомжон Фармонов ва Фатхулла Маъсудовлар ижро этмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадидаги ўтказиш ва қара ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.

1. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. «ГАЗ-31029» автомобили, 1994 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм;
3. «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10С 23-76, бошланғич нархи 405 427 сўм, техник носоз;
4. «Санг Енг Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;
5. «Остен-Ровер-Монтего» автомобили, 1989 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник носоз;
6. «Дэу-Нью-Браум» автомобили, 1998 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 6 800 000 сўм, техник носоз;
7. «Дэу-Леганза» автомобили, 1999 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами О 51860К, бошланғич нархи 4 200 000 сўм;
8. «Лексус-GS-300» автомобили, 1996 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 12 800 000 сўм;
9. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
10. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чикарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. «ГАЗ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чикарилган, дав-

- лат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
12. «ГАЗ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
13. «ГАЗ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
14. «ГАЗ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
15. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
16. «Мерседес-Бенц» юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;
17. «КАВЗ-664» автобуси, 1981 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
18. «УАЗ-452» автомобили, 1985 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 59-83 ТНП, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
19. «Краз-257» автокрани, 1977 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 10 АК 841, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
20. «Белорус ИОМЗ-6 АКА», 1994 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами ГЗ 74-56, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси 2003 йил 5 сентябрь кунини соат 14-00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошканбой Эгамбердиев номи
Тошкент Давлат цирки

2003 йилнинг бутун сентябрь ойи давомида КУЗГИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ДАСТУРДА:
МОНТЕ КАРЛО соверндорлари, олтин нишон сохиблари
ЧАВАНДОЗ ЙИГИТЛАР
ОРИГИНАЛ ЖАНРЛАР АРТИСТЛАРИ
ЎРГАТИЛГАН КАБУТАРЛАР
ХАВО ГИМНАСТЛАРИ
«Ҳиндистон» номи шағамлардаги
ФАНТАЗИЯЛАР
ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР
КУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ЖУФТЛИГИ

Томошоқ:
Жума кунлари 18.00 да шанба, якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилади. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Бектемир тумани ДСИга тегишли
МС-5 437376-437400
МС-5 437401-437225
рақамли қатъий ҳисобда турувчи патта бланкалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йил апрель ойида хусусий тадбиркор Аҳмадҷонов Фозилжон Одилҷонович номига берилган чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган яқка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош ҳисобчи ўринбосари
Матлуба АСЛАНОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор қилади.

Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нуссада босилди. Қўроғ бичими А-3

Думанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчоси.
Корхона мекони «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.